2003 YIL 8 MAY, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№60 (6.585). Sotuvda erkin narxda

## ҚУТЛОВ МАКТУБИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Вестминстер университети жамоасини Тошкентда Халқаро Вестминстер университети таъсис этилиши муносабати билан қутлаш менга катта мамнуният бахш этади. Мазкур университет Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда узоқни кўзлаб иш юритаётганидан далолатдир.

Университет таъсис этилгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида талай ишлар амалга оширилди. Р.Азимовнинг ушбу жараённинг барча босқичларидаги саъй-ҳаракатларини таъкидламоқ жоиз.

Ушбу умидбахш ва истиқболли лойиҳа бизга ҳамкорлик муносабатларини олий таълим тизимига оид умумий қарашлар асосида ривожлантириш имконини беради. Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университети бошқа олий ўқув юртлари учун намуна бўлиб хизмат қилади ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси талабаларининг интилишларига мос келади.

Университет очилишига бағишланган маросимдан мамнун бўлганингизга ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур университет фаолиятига дахлдор бўлганларнинг барчасига муваффақиятлар тилайман.

**Тони БЛЭР,**
**Буюк Британия Бош вазири**

# КУЧ - БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА

## *Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилди*

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги қарорига биноан мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилган эди.***



6 май куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур университетга ташриф буюриб, унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

Янги олий ўқув юртининг рамзий тасмаси Президент Ислом Каримов ва Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд иштирокида қирқилди.

Меҳмонлар замонавий услубда жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, компьютер, маънавият ва маърифат хоналарини кўздан кечирди.

Университетнинг конференциялар залида бўлиб ўтган тантанали йиғилишни Халқаро Вестминстер университети ректори Абдужаббор Абдувоҳидов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

- Аввало, барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги унутилмас ва ҳаяжонли воқеа - гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугун биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этмоқдамиз. Ривожланган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қиладиган, одамлар ҳаётини юксак даражага кўтариш имконини берадиган демократик тизимнинг умумэътироф этилган халқаро мезонларига эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Шу ўринда мен жаҳон тажрибасида ўз тасдиғини топган бир ҳақиқатни айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Ҳаммамизга маълумки, илгари бирон-бир мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудратини ифодалаш ва баҳолаш учун унинг мавжуд бўлган табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритар эдик. Бугунги кунда дунё ривожланишнинг шундай босқичига қадам қўйдики, энди ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси - бу билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти десак, ҳеч қандай хато бўлмайди, деди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, бизнинг бундай ўта муҳим омилни ҳисобга олмасликка ҳаққимиз йўқ. Чунки ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларга эришишда замонавий билим ва тажриба соҳиби бўлган, янгича фикрлайдиган ёшларимиз бизнинг асосий таянчимиз ва суянчимиздир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Олдимизда турган буюк вазифаларни ечишнинг асосий омили, уларни ҳал қилишнинг ягона шарти - том маънодаги баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Юртимизнинг ёруғ келажагини, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан фаровон яшашини таъминлашга қаратилган бу вазифани адо этиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу маънода, Ислом Каримов, 1997 йили мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замирида ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларга мослаштириш, ёш авлодни чуқур билимли, фикр доираси кенг, профессионал кўникмаларга эга бўлган инсонлар этиб тарбиялаш мақсади мужассам эканини эслатиб ўтди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ватанимизга нафақат юқори малакали мутахассислар, балки, умумбашарий мерос ва қадриятларни замонавий билим ва тафаккур билан бойитишга қодир, ҳуқуқий-демократик жамиятда одамларнинг озод ва эркин яшашини, мустақил фикр юритиб, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилишини ҳаётий зарурат, деб биладиган баркамол ёшлар керак.

Ҳозирги кунда ер юзида интеграция ва глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини, биринчи галда таълим соҳасини кенг қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки бизнинг давримизда том маънодаги маърифат эгаси бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатида олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илмфани ва маданияти хазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татбиқ этилса, инсон шунчалик теран билимга эга бўлади. Буни ўтмишда ҳам, ҳозирги пайтда ҳам кўп-кўп мисолларда кўришимиз мумкин.

Шунинг учун ҳозир Ўзбекистонда таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очиқ ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковат ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун беқиёс имкониятлар яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, айниқса, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологияларни, иш услубларини ўзлаштиришни, ўз фаолиятида илғор компьютер ва ахборот тизими воситаларидан самарали фойдалана билишни талаб қилади. Бундай вазифа ва фаолият қирраларини забт этиш, аввало, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни тақозо этади.

Шу боис биз Тошкентда янги олий таълим даргоҳи - Халқаро Вестминстер университетининг очилишини юқорида зикр этилган барча мақсадларимизга эришиш йўлида қўйилган ўта муҳим қадам, деб биламиз, - деди Ислом Каримов.

Ёшларимизнинг инглиз тилида таҳсил олиши орқали шу тилда сўзлашувчи мамлакатларда, авваламбор, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида таълим соҳасида эришилган юксак даражага чиқиш биз учун айниқса катта аҳамиятга молик.

Энг муҳими, биз бу орқали ўқув жараёнига Вестминстер университети каби жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртларида мавжуд бўлган таълим дастурлари ва андозаларини жорий этиш имконига эга бўламиз.

Ислом Каримов университет талабаларига бундай деди:

- Бугун сизлар она диёримиз Ўзбекистонда янги очилган Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг илк талабалари бўлишдек олий бахтга муяссар бўлиб турибсиз.



**(Давоми 2-бетда)**

# ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН

***Ўн икки йил муқаддам инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги, демократик фикрлар деярли чекланган, тадбиркорлик, ишбилармонлик, мулкка эгалик сингари кўринишлар ёт бўлган тоталитар совет тузуми барҳам топгач, барча собиқ иттифоқдош республикалар ўз истиқлолини қўлга киритган бир пайтда, Франциянинг ўша пайтдаги президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ҳам ташкил этилган эди.***



European Bank for Reconstruction and Development



Мамлакатимизда ўшандан буён ўтган йиллар давомида тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди. ЕТТБ ҳам шу йиллар давомида дунёдаги энг йирик молиявий ташкилотлардан бирига айланди. Таназзулга учраган шўролар ҳукмронлиги республикамиз иқтисодини ҳам издан чиқариб кетган эди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда 1992 йили Ўзбекистон ЕТТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки нафақат Европа қитъасидаги, балки бошқа ривожланаётган мамлакатларга ҳам сармоя киритиши мумкин.

Аслида бу йирик молия институтида молиявий ёрдам олишнинг ўзига хос мураккаб шартлари мавжуд. Биринчи навбатда ҳуқуқий-демократик жамиятни шакллантириш йўлидан бораётган давлатларгина сармоя олишга даъвогар бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқларини қонуний ҳимоялаш, суд ислоҳотлари, цензурани бекор қилиш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Шу боис ҳам ЕТТБ бошқарувчилари кенгаши ўзининг XII-йиллик мажлисини Шарқ дарвозаси - Тошкентда ўтказишга қарор қилди.

**САРҲИСОБ**

ЕТТБ Президенти Жан Лемьер жаноблари йиллик анжуманнинг айнан Тошкентда ўтказилиши сабабларига тўхталар экан, кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар юз бераётгани, ислоҳотлар самараси кўзга ташланаётгани, хусусий сектор жадал ривожланаётгани таъкидлади. У анжуман арафасида ЕТТБ кредитлари ҳисобига ташкил этилиб, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ўрта ва кичик тадбиркорлик корхоналари иш фаолияти билан шахсан танишганлиги ва киритиладиган сармоялар ҳажмини бундан кейин ошириб бориш учун Ўзбекистонда қулай инвестицион иқлим яратилганига ишонч ҳосил қилганини эътироф этди.

ЕТТБнинг Тошкент саммити нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё малакатлари ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди, дейиш мумкин. Форум минтақамиздаги давлатларга киритилаётган сармоя ҳажмининг кескин ошишида худди Европадаги сингари Марказий Осиёда ҳам интеграция, ҳамкорлик, бирлик жараёнини тезлатишда катта рол ўйнайди, десак муболаға бўлмас.

Анжуман доирасида Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳиятига бағишланган форуми ва тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Юртимизда тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган бизнесменлар, банкирлар, йирик-йирик компаниялар раҳбарлари Ўзбекистоннинг кўп қиррали иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишдилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг келажакда республикамизда янги-янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишларида қўл келиши, шубҳасиз.

Дунёга машҳур "Алстом" компаниясининг Марказий Европа ва Марказий Осиё ҳудудлари бўйича махсус вакили Станислав Михалок анжумандан олган таассуротларини яшириб ўтирмади. "Бизнинг компаниямиз, - деди у, - асосан энергетика соҳаси ва тезюрар поездлар ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатади. Ўзбекистон кўп тармоқли ишлаб чиқариш имкониятларига эга экан. Мамлакатингизнинг энергетика ва темир йўл тармоқларига оид қизиқишимиз, режалар пайдо бўлмоқда. Бу масалани албатта муҳокама қиламиз. Ажабмас, янги лойиҳа вужудга келса".

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган 2002 йилда умумий миқдори қарийб 4 миллиард еврога тенг бўлган 102 та лойиҳани молиялаштирди. Тошкент анжумани доирасида ўтказилган 27 та давлатлар тақдимоти эса 2003 йилда юзага келадиган лойиҳалар сонининг янада ошишига хизмат қилиши кутилмоқда.

-Анжуманни юқори савияда ўтказиш, инвестицион иқлимнинг муҳим жиҳатларини муҳокама этиш учун барча имкониятларни яратиб берган Президент Ислом Каримовга катта миннатдорчилик билдираман, - деди ЕТТБ Президенти Жан Лемьер. - Ўзбекистон ўз иқтисодини муваффақиятли ривожлантириши учун ҳозиргига нисбатан янада катта миқдорда сармоя олиш имкониятларига эгадир.

**(Давоми 2-бетда)**

# СУВ БОШИДАН ЛОЙҚАЛАНГАЧ...

***Ишлар бир ортга кетса, калаванинг учини топиш қийинлашиб, жўнгина ишлар ҳам ўз-ўзидан муаммога айланиб бораверар экан. Яқинда "Хоразмбалиқмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ҳиссадорларининг 2002 йил якунларига бағишланган умумий йиғилишида қатнашиб, шундай хулосага келдик.***

**ТАҲЛИЛ**

Жамоа 1995 йилнинг бошидаёқ акциядорлик жамиятига айлантирилган эди. Бундан кўзланган мақсад эса одамларда мулкка эгалик ҳуқуқини кучайтириш бўлди. Энди улар аввалгидек белгиланган фалон сўм миқдоридаги ойлик ҳисобига иш бажаришмайди. Балки, ўз манфаатларини кўзлаб меҳнат қилишади. Эндиликда ҳар бир ходим жамиятнинг бошқарувида иштирок этишга, ўз фикрларини билдиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлда қабул қилинган "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳамда ҳукуматимизнинг бошқа кўрсатмаларида соҳани ривожлантириш, уни фойдали тармоққа айлантириш вазифалари белгилаб берилган.

**(Давоми 2-бетда)**

**ИСЛОҲОТ**

***- Отам раҳматли бир парча ерни орзу қила-қила армон билан ўтиб кетди. Уйимиздан икки чақирим нарида тошлоқ, қаровсиз ер бўлар эди. Отам экин-тикин қиламан, деб ўзи ҳам тинмади, бизни ҳам тиндирмади. Ер суробга келгач «эгаси» чиқиб қолди. Шўрлик отам бир сўз айтолмади, меники деёлмади.***

Момом бу аччиқ хотираларини жуда кўп такрорлаган. Ҳар гал эслаганида кипрiклари орасидан сизиб чиқаётган ёшни яширишга ҳаракат қилиб, узоқ жим қолардилар. Сўнг яна:

- Мана, яхши замонлар ҳам келар экан, - деб гапида давом этардилар. - Худога шукур. Ота-боболаримиз етолмаган орзуларга невара-чевараларимиз эришаяпти.

ЎЗБЕК саховатли замини билан ҳам қудратлидир. Аммо шўролар уни еридан, ерни эса баракадан айирди. Деҳқоннинг меҳри совиди, меҳнат қилиб косаси оқармади, олтин даласи ундан юз ўгирди.

## ФЕРМЕРЛИК: БАРАКА - МЕҲНАТДА

**(Давоми 3-бетда)**

# ҚАЛЛОБЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

***Очиғи, йил якунида фойда кўраман деган деҳқоннинг қўли меҳнатдан бўшамайди. Ҳар бир дақиқани қизғанади. Таъминотчига ишонади. Натижада, баъзан деҳқоннинг соддалиги уларга қўл келади. Даромад қилишнинг бел оғримас, осон йўли топилади. Ўтирган жойида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, нафсини қондиради. Қарабсизки, яна жиноят, яна қинғирлик ва яна қаллоблик.***

**ТААССУФ**

Мирзаобод туманидаги Гулистон нефт базасига қарашли фермерларга хизмат кўрсатувчи 7-сонли АЁҚШда шундай ҳолат содир бўлди. Иш бошлаганига атиги тўрт ой бўлган оператор А.Тошмуродовнинг кўнгли қўшимча даромадни тусаб қолди. Буни қарангки, нафс қурғурни жиловламаса қийин экан. Текширишлар чоғида А.Тошмуродов ўтган йилнинг июл-сентябр ойларида қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, ўн иккита фермер хўжалигининг ризқига кўз ола қилиб, жами 326840 сўмлик ёнилғи-мойлаш материалларини ноқонуний чиқим қилганлиги фош бўлиб қолди.

**(Давоми 2-бетда)**

**БАНК ТИЗИМИ**

***"Ўзсаноатқурилишбанк"ининг Навоий минтақавий филиали жамоаси республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.***

-Шу банкдан 30 миллион сўм кредит олдик. Бунинг ҳисобидан пахтани қайта ишлаб, газмол тайёрлашда зарур бўладиган асбоб-ускуна харид қилдик, - деб гап бошлади Навоий шаҳридаги Э.И.Темур номли ишлаб чиқариш кичик корхонаси раҳбари. – Шундан сўнг ишларимиз юришиб кетди.

-Демак, кредит яхши наф берибди-да?

-Албатта, банкдагилар етарли миқдорда маблағ бермаганида синиб қолишим ҳеч гап эмас эди. Ҳозир ишларимиз беш.

-Натижа қандай бўляпти?

-Корхонамизда 16 нафар ишчи ишлаяпти. Уларнинг кучи билан ҳар куни пахталик калта чопон ҳамда бошқа зарур нарсалар тайёрланмоқда. Қолган имкониятлардан ҳам баҳоли қудрат фойдаланаяпмиз.

## МУЛКДОР КЎПАЙСА, ЮРТ ТЎКИН БЎЛУР

**(Давоми 3-бетда)**

# ОВЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

### ЭҲТИРОМ

***...Айиқ ёғи жуда зарур бўлиб қолганлигидан Оҳангарон туманининг Парписой қишлоғига боришга тўғри келди. Уни фақат ўша томонлардагина топиш мумкинлигини яқинларимдан эшитганим бор эди.***

Қолаверса, Ҳожимурод овчининг сулоласи ҳақида бобомдан ҳам ажойиб хотиралар эшитганман. Йўл олис, лекин айиқ ёғи ҳаммасидан ҳам заруррок. Пешиндан кейин мўлжалланган қишлоққа етиб келдик. Парписой... Юмуш баҳона, дийдор ғанимат бўлди. Тўғриси, юртимнинг шундай гўзал ва чароғон гўшалари, оқибатли инсонлари борлигидан бехабар эканман. Парписойликлар табиатни севишади, ардоқлашади, ўз маҳаллаларини, тоғу тошларининг ҳар бир хасу чўпини кўзларига тўтиё айлайдилар. Бу ерда Дилмурод бобони танимайдиганнинг ўзи йўқ. Чунки унинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштларга бой, овчилар сулоласидан эканлигини ҳамма билади. Шу куни машҳур овчиларнинг она-табиатга бўлган эҳтироми мужассам топган хотираларидан тингладим.

**ТАБИАТ ВА ИНСОН**

**(Давоми 4-бетда)**

## ҲИКМАТ

*Сен-мендан*
*аввал ҳам*
*тун-кун бор эди,*
*Айланган*
*фалак ҳам*
*бутун, бор эди.*
*Тупроққа*
*авайлаб*
*қадамингни қўй,*
*Бу тупроқ*
*қоракўз бир*
*нигор эди.*

Умар ХАЙЁМ

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ҚАЛТИС ҚАДАМЛАР | ҚАЙСАР | КОМИССАРНИНГ ҚИСМАТИ

Qishloq HAYOTI



# КУЧ - БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА

(Боши 1-бетда)

Мана шу ҳаяжонли лаҳзаларда барча устоз-мураббийларингиз, меҳрибон ота-оналарингиз қаторида мен ҳам сизларнинг дунёдаги энг қадимий университетлардан бирида таълим ва таҳсил олишингизни, унинг асрлар оша яшаб келаётган руҳи ва анъаналаридан баҳраманд бўлишингизни, чеҳраларингизда билим ва маърифатга сўнмас қизиқиш ва интилишлар акс этиб турганини кўриб, қалбим беихтиёр қувончга тўлмоқда.

Шуни унутмангки, сизларнинг билимли, доно, кучли ва албатта бахтли бўлишингиз учун давлатимиз, халқимиз ҳеч қачон ҳеч нарсани аямайди.

Азим пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, юз йилдан зиёд тарихга, ўзига хос маданий ва меъморий аҳамиятга молик бўлган муҳташам бинонинг тубдан қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига берилгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари биз бугун дунёдаги барча халқлар билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилар эканмиз, айни пайтда юртимиз ёшлари қадимий илдизларимизни, аждодларимизнинг ким эканини, улар жаҳон цивилизацияси тараққиётига қандай бебаҳо ҳисса қўшганини асло эсдан чиқармаслиги лозимлигини таъкидлади.

Ўлмас ва ноёб асарлари билан башарият илм-фани ва маданияти тарихидан муносиб ўрин олган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир зотлар бизнинг буюк аждодларимиз экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга, биз ана шу беқиёс маънавиятимизнинг инсоният қўлга киритган илғор билим ва тажрибалар билан уйғун ҳолда ривож топишини истаймиз. Ва айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг олға боришимизда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилажак.

Ислом Каримов Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш ишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга, энг аввало Британия Кенгаши директори жаноб Девин Грингта, Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд жанобларига, университет Бошқарувчилари кенгаши аъзоларига ўзининг ҳурмат-эҳтироми ва ташаккурини изҳор этди. Ўз ҳаётини ёшларга замонавий таълим ва тарбия беришдек олижаноб мақсадга бағишлаган, Вестминстер университети ҳақли равишда фахрланса арзийдиган барча профессор ва ўқитувчиларга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг очилиши билан Ватанимиз тарихида янги бир саҳифа очилади ва бу қадимий, айни пайтда навқирон университетнинг истиқболи албатта ёруғ бўлади, - деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбари бундай нуфузли олий ўқув юртининг талабаси бўлиш осон кечмагани, кириш имтиҳонлари ва танлов нечоғлиқ юқори талаблар асосида ўтказилгани яхши маълум эканлигини таъкидлади. Лекин, шунга қарамасдан, бугуннинг ўзидаёқ шу нарса равшан бўлмоқдаки, бу олий илм даргоҳида таълим олишга интиладиган ёшларнинг сафи йилдан-йилга ортиб бораверади.

Ислом Каримов келгусида Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг салоҳияти янада мустаҳкамланиб, имкониятлари кенгайишига, унинг номи Ўзбекистон чегарасидан ошиб, катта шуҳрат ва эътибор қозонишига қатъий ишонч билдирди.

Юртбошимиз сўзининг охирида бундай салобатли ва муҳташам илм кошонасини қисқа муддатда обод қилиб, ёшларга тақдим этган қўли гул, бунёдкор инсонларга, бу хайрли ишда қатнашган барча юртдошларимизга миннатдорлик билдирди, университет талаба ва ўқитувчиларига муваффақиятлар тилади.

Ж.Копланд ўз сўзида Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари ва ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг самараси бўлмиш мазкур университет очилишини янги, жасоратли ташаббус, деб атади.

Буюк Британияда Қиролича Елизавета Иккинчи Вестминстер университетининг олий раҳбари ҳисобланади. Ж.Копланд Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг олий раҳбари бўлгани мазкур ўқув даргоҳи ўқитувчи ва талабалари учун катта шараф эканлигини таъкидлади ва мамлакатимиз Президентига ушбу илм масканининг олий раҳбарлиги рамзи бўлмиш махсус асони тақдим этди.

Маросимда сўзга чиққан «Умид» жамғармаси йўлланмаси бўйича Буюк Британияда таҳсил олган, айни пайтда Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида иқтисод фанидан дарс бераётган Умид Алиев, талаба Равшан Собиров мазкур университетда ўқиш, ишлаш бахт ва ўзларига билдирилган катта ишонч эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос таълим олиш имкониятини яратиш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Зумрадхон Матназарова бу ерда таълим оладиган ёшлар шундай эътиборга муносиб бўлишлари лозимлигини таъкидлади.

Мазкур университетда бизнес, иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ бўйича таълим берилади. Дастлабки кириш имтиҳонларида 817 йигит-қиз қатнашиб, уларнинг 212 нафари талаба бўлди.

Тантанали тадбир якунида Ислом Каримов университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Университетнинг очилиш маросимида қатор Европа давлатлари элчихоналари, БМТ, ЕТТБ, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА)

**СУРАТЛАРДА: очилиш маросимидан лавҳалар.**

**А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## КЎРГАЗМА

***Пойтахтимиздан ҳали дунё нигоҳи узилмай туриб, ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши ва Бизнес анжуманнинг XII йиллик йиғилиши доирасида ўтказилган "Ўзбекистоннинг сармоялаш ва экспорт салоҳияти" Халқаро кўргазмасининг мантиқий давоми сифатида шу кунларда "Ўзэкспомарказ" саройида "Нефть ва Газ" (OGU-2003) 7-Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтаяпти.***

# УЛКАН САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Унда Германия, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Польша, Саудия Арабистони, Хитой, Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган 70 дан зиёд турли компаниялар иштирок этмоқда. Улар орасида Shell, ENY SPA, Lukoil, Dressta, Dresser-Rand, Sofregaz, Interpipe, Honeywell, Sercel, Input/Output, ZeroMax, "Ўзбекнефтегаз", "Газпром" каби таниқли компанияларнинг борлиги мазкур кўргазмага нисбатан бўлган қизиқишнинг нақадар юқори эканлигидан далолатдир.

Кўргазма стендлари орқали қизиқувчилар нефть ва газ қазиб олишни интенсивлаш, уни қайта ишлашнинг замонавий технологияси, шунингдек, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш бўйича ишланмалар билан яқиндан танишадилар. Шу билан бирга дунёдаги етакчи нефть-газ компаниялари нефть ва газни узатиш, конларни қидириб топиш ва ишлашнинг замонавий технологияси бўйича ҳам истиқболли лойиҳаларини тақдим этишди. "OGU-2003" халқаро кўргазмасининг турли бўлимларидан жой олган фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари намуналари икки томонлама фойдали ҳамкорлик қилишни истовчилар учун ўзига хос маълумот базаси сифатида хизмат қилади.

Тошкент Форумининг узвий давоми ҳисобланган "Нефть ва Газ" 7-халқаро кўргазмаси анъанавий тарзда Буюк Британиянинг ITE Group PLS ҳамда унинг Ўзбекистондаги ягона ҳамкори Itesa-Osiyo компаниялари томонидан ташкиллаштирилди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## "НОМАЪЛУМ" ЖАНЖАЛКАШ

***Тўполон қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси хонасига қишлоқнинг Кунботар маҳалласида яшовчи Абдуҳалим пиён ҳовлиқиб кириб келди:***

-Хўш, кеча тунда хотинини бўкиртириб уриб, мен каби оддий фуқароларга тинчлик бермаган безори ким экан?!

Абдуҳалим пиённинг бу бемаъни саволи маҳаллакомни саросимага солиб қўйди.

-Бундай тушунтирибрақ гапирсангиз-чи, Абдуҳалимжон. Ким хотинини бўкиртириб урибди?!

-Ие, ҳали маҳаллаком бўла туриб, ўзингиз бош бўлган қишлоқда рўй берган фожиадан хабарингиз йўқми?

Маҳаллакомнинг саросимага тушганидан руҳланиб Абдуҳалим пиён гапга "газ" берди:

-Ана шунақа-да, бизга ўхшаган камбағаллар хотинини оғилда урсаям бу ерга чақириб тергайсиз. Бечора ўлгудай калтакланган аёлнинг "Вой отажон", деб бақиришига қараганда, камида еттита қовурғаси парчаланган-ов.

Абдуҳалим пиённинг бемаъни хабаридан довдираб қолган маҳаллаком қишлоқ миршабига номаълум "фожиа" ҳақида хабар берди.

Зум ўтмай миршаб етиб келди. Абдуҳалим пиён унга ҳам ўшқира кетди.

-Шунақа, қишлоқнинг тинчлик посбони бўла туриб, бугун кечаси рўй берган фожиани билмайсиз-а, билмайсиз. Нима... Кечаги жанжалкашни ҳам сизга мен топиб берайми?!. Кечирасиз, керак бўлса ўзингиз қидиринг, жиноятчини топиб жазоланг...

Маҳаллаком ва миршаб қишлоқ бўйлаб жанжал илдизини қидириб кетишди.

Абдуҳалим пиён эса бир кило қўй гўшти сотиб олиб, уйига хурсанд ҳолда кириб келди ва хотинига майин овозда деди:

-Кўз ёшларингни тўхтатиб, буни қозонга ташла. Қош-қовоғингни уймай хурсанд бўл. Кечқурунги жанжалимиздан ҳеч ким хабар топмабди. Сен ҳам уни унут!

**Мўйдинжон СОБИТОВ**

## БОЛАСИНИ ТАНИМАГАН ОТА

***Муҳаммаджон ака елкасига чопонини ташлаб ҳовуз бўйидаги супага келаётиб, сал нарироқда ўйинчоқ машина ҳайдаётган сап-сариқ болага кўзи тушди. Унга қараб-қараб қўйди.***

Аммо танимади. "Қўшнилардан бирининг боласидир-да" деб қўйди ўзига ўзи. Шу пайт чойнак-пиёла кўтариб хотини Нозима хола келиб қолди.

-Қани болалар? - деди хотинига юзланиб. Унинг жавобини кутмасдан яна савол берди. - Хўш, анаву ўйинчоқ машина ҳайдаётган сариқ бола кимнинг ўғли?

Нозима хола аввалига гап нимадалигига тушунолмай бир пас ҳайрон бўлганча туриб қолди, сўнг бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

-Вой раис бува-ей, элга бош бўламан, деб эсингиз кетибди. Тонг саҳарлаб ишга кетиб, ярим кечада келганингиз оқибати бу. Ахир, шу сариқ бола учинчи ўғлингиз Эргашжон-ку!

Муҳаммаджон ака ичидан зил кетди. Уялди. Лекин сездирмади. Гапни ҳазилга буриб, "айби"ни ювмоқчи бўлди.

-Сени нима дер экан, деб ҳазиллашган эдим-да. Боламни танимай ўлибманми, хотинжон, - деди раис бува сочи тушиб ялтираб қолган бошини силаганича. - Қани ҳў... Эргашжон бу ёққа кел-чи! Нима, танимаяпсанми?

-Сиз уни танимагач, у сизни танирмиди, - деди хотини бироз жиддийлашиб. – Эсингизда бўлсин, бола ҳамиша меҳрга муҳтож бўлади. Она меҳрига... Ота меҳрига... Сиз бўлсангиз... Ишга меҳр қўйгансиз!

Муҳаммаджон аканинг Эргашжонни меҳрини қозониши осон кечмади. Аммо шу воқеа сабаб оиласи, фарзандлари учун алоҳида вақт ажратадиган меҳрибон отага айланди. Қизиғи, раис бува ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб тағин янглишиб қўймай, деб болаларини бирма-бир кўздан кечирадиган бўлди...

## "АНТИҚА" САВДО

***Молбозорнинг қоқ ўртасидан жой олган Шодмон шаддод жағи тинмай харидор чақиради: "Сигирим жуда юввош, сутни кўп беради, бир қисим ўт билан кун бўйи ҳам ётаверади, жонивор.***

Олсангиз панд емайсиз, молхонангиз сигир-бузоққа, рўзғорингиз суту қаймоққа тўлади".

Ёши олтмишга яқинлашиб қолган отахон кампири, келини ва ўғли билан келиб сигирни савдолашмоқчи бўлди. Шодмон шаддод харидорни қизиқтириш учун яна мақтовга зўр берди, елинларини тутиб чимчилаб кўрсатди. Сигир ростдан ҳам юввош шекилли, жим тураверди.

-Бўладиган нархи қанча? – деди отахон.

-Икки юз минг ота, - деди у харидорга синовчан боқиб.

-Эй йўқ, бўлмайди. Юз элликка берсанг оламиз. Биз ҳам манов келинимизни бир сигир-бузоқли қилмоқчимиз-да, - деди отахон сигирни сийпаб кўраркан.

Шодмон шаддод қараса, иш чатоқ. Бу харидор ҳам қўлдан чиқаяпти. "Синалган усулни ишга солишим керак!" У ана шундай қарорга келди ва тўсатдан оҳ тортиб йиғлаб юборди. Кутилмаган ҳолатдан атрофдагилар чўчиб кетишди.

-Тинчликми, қизим, нима бўлди сенга? – деди отахон ташвиш билан.

-Сўраманг ота, - деди сотувчи аёл, - эрим касал эди, бир ҳафта бурун ўлди. Рўзғорим ночор, бола-чақа бир аҳволда. Шунга... Йўқчилик қурсин, ҳар нарсага мажбур қилар экан, кишини.

-Эринг ёшмиди, болам?

Шодмон шаддоднинг гапи оғзида қолди. Рўпарасида эри Самандар шайтон билан қўлтиғида сумка тутган киши турарди.

-Эрингизни жойи жаннатда бўлсин. Ўлим ҳақ, опа, тақдирга тан бермай иложингиз йўқ. Сигирни отахон олмаса, мана, биз оламиз. Мана бу дўстимизга серсут, юввош бир сигир керак экан, - деди бояги киши Самандар шайтонни кўрсатиб.

Шодмон шаддод қопқонга тушган қуёндай типирчилаб қолди. Гапирай деса тили калимага келмайди. Ранг-рўйи кув оқарган. Одамлар бўлса ҳайрон, элка қисганча бир-бирига қарашади... Самандар шайтонга сигир олиб бермоқчи бўлган бояги даллол ҳам нима бўлганига тушунолмай ҳайратда.

Сир очилди. Юз берган воқеага биров кулди, биров ёқа ушлади, яна биров ачинди...

**Аҳмаджон РАҲИМОВ**

# ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН

(Боши 1-бетда)

Ўтган йили ЕТТБ Марказий Осиё, Жанубий ва Шарқий Европа ҳамда Кавказдаги давлатларга 1,35 миллиард евро ажратган эди. Жан Лемьер фикридан англаш мумкинки, бу йил фақат Марказий Осиё ҳудудига, хусусан, Ўзбекистонга сармоя ажратиш икки бароборга ортади. Бу эса мамлакатимизда хусусий секторнинг барча йўналишларини янада такомиллаштириш, иқтисодий ислоҳотларни янги поғонага олиб чиқиш, чуқурлаштириш имконини беради.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро бизнес анжуманининг дунё иқтисодий тараққиётидаги яна бир тарихий аҳамияти шундаки, 59 та давлатдан келган делегация аъзолари – Бош вазирлар, молия вазирлари, Марказий банклар раҳбарлари, бизнесменлар Тошкент форумида йирик лойиҳалар бўйича битимлар тузишга эришдилар.

Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистонга нисбатан стратегик муносабати ўзгарди. Президентимиз Ислом Каримов ЕТТБ бошқарувчилари кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, "Банк ўз инвестициялари ёрдамида иқтисодиёт соҳаларининг таркибий янгиланиши ва ислоҳ қилинишида, хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашувида, хусусий секторни ривожлантиришда, энг муҳими, мамлакатимизда янги синф – тадбиркорлар синфининг ривож топишида амалий ёрдам кўрсатмоқда". ЕТТБ ўз ваколати доирасида келгусида ўрта ва кичик бизнес корхоналарининг экспорт салоҳиятини кўтариш, ЕТТБ фаолияти учун муҳим йўналиш ҳисобланган энергетика, коммунал хўжалик, транспорт тармоқларида шароитларни яхшилаш учун микрокредитлар ажратадиган бўлди. Шунингдек, ўз сармоялари тасарруфида банк тизими бошқаруви ва хизматини юксак даражага чиқаришни таъминлаш билан шуғулланади, "Асака" банкини хусусийлаштириш борасида техник ёрдам кўрсатади.

ЕТТБ бошқарувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган XII йиллик мажлиси ташкилий жиҳатдан илгари Европа шаҳарларида уюштирилган анжуманлардан қолишмади. Буни меҳмонларнинг фикрларидан ҳам англаш қийин эмас.

**Австриялик банк менежери Вадим Матушкин:** "Ўзбекистонни сиртдан билардим. Аммо Тошкентни бунчалик гўзал, деб ўйламагандим. Тошкентни Осиё эмас, Европа шаҳри дейиш мумкин. Юртингизга келишдан олдин унинг қиёфаси хусусида яхши фикрда эмас эдим. Ҳашаматли бизнес марказини кўриб, бу борада янглишганимни сездим. Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Форум биз истагандан ҳам юқори савияда ўтди".

**Молдова Республикаси Бош вазири Стефан Одажи:** "Аввало Молдова Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, пойтахтингиз ҳамда ЕТТБ раҳбариятига Тошкентдаги бизнес анжуманни ниҳоятда юксак савияда ташкил этганлиги учун чексиз миннатдорчилик билдираман. Форумда биз ўзимизни қизиқтирган жуда кўп масалаларни муҳокама қилишга эришдик. Бу анжуман иштирок этаётган барча мамлакатлар иқтисодий тараққиётига фақат фойда келтириши мумкин. Ўзбекистон кўп миллионли аҳолиси, геополитик жойлашуви жиҳатидан Ғарб ва Осиё ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши ўзини оқлади, деб ҳисоблайман".

Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг XII йиллик мажлисининг мазкур форуми энг сермаҳсул, профессионал даражада ташкил этилгани билан ЕТТБ тарихидан муносиб ўрин олди. Ўзбекистон мустақиллик йилларида турли халқаро анжуманларда иштирок этиб, жаҳон ҳамжамиятига ўзини танитган бўлса, ана шундай йирик халқаро тадбирни Тошкентда ўтказиб, яна бир бор тилга тушди, дейиш мумкин.

Умуман, бу йирик молиявий анжуман Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига яна бир равон йўлни очиб беради.

**Мақсуд АКРАМОВ, Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.**

# ҚАЛЛОБЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

(Боши 1-бетда)

Одамнинг оласи ичида, деб шуни айтсалар керак-да. Ҳеч ким билмади, ҳеч ким сезмади, деб ўйлаган акахоннинг кўнгли тер тўкмасдан олинган даромадни яна қўмсади. "Узунқалъа" фермер хўжалигининг 13-сонли ишонч қоғози орқали Гулистон нефт базасидан 1350 литр (116435 сўмлик) ёнилғини олиб, бошқа мақсадларда ишлатиб юборди.

Тумандаги "Хайрли йўл", "Эрназар", "Абдулахат" ва "Малика опа" фермер хўжалиги соҳиблари билан суҳбатлашдик. А.Тошмуродов ҳақиқатан ҳам фермернинг номига сохта чиқим ҳужжатлари тузгани, дизел ёнилғисини шу йўл билан ўзлаштириб юборгани маълум бўлди.

Бундай қонунбузарлик Мирзаобод туманидаги 9-сонли АЁҚШда ҳам содир этилган. Ҳали ишга келганига бир йил ҳам тўлиб улгурмаган оператор Х.Собировнинг иш фаолияти туман прокуратураси ва ҳисобчи-мутахассислар У.Алиев ва А.Бўрибоевлар томонидан 2003 йил 23 январда текширилганда, моддий жавобгарлигида бўлган ёнилғи-мойлаш материалларидан жами 127885 сўмлик камомад чиқди.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам талончиликнинг гувоҳи бўлдик. Уларга даромад топишнинг пешона тери эвазига, тинчгина йўли топилмаган кўринади. Ваҳоланки, давлатимизда меҳнат қиламан, деган кишига ҳамма қулайлик ва шарт-шароитлар муҳайё.

Шундай имкониятдан нега фойдаланмаймиз? Сабаби, эрта-ю кеч - қишнинг изғиринида-ю, ёзнинг саратонида далада юриш, меҳнат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу боис баъзи кишилар пул топишнинг осон йўлини танлаб қўя қолишади. Ҳар икки ҳолат бўйича ҳам айбдорлар қилмишига яраша жазосини олди. Аммо бу ҳолат бошқаларга ибрат бўлармикин? Бизни худди шу масала ўйлантиради.

**Анорбой ҚАРШИБОЕВ, "Ўзнефтгазназорат" инспекциясининг Сирдарё вилоят бўлими бошлиғи.**

## САМАРҚАНДДАН ТОШКЕНТГА САЁҲАТ

***ТОШКЕНТ, /ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ/. Икки юз нафардан зиёд самарқандлик қария - уруш ва меҳнат фахрийси пойтахт зиёратига келди. Обод маҳалла йили ҳамда 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган сафарни «Маҳалла» ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари ташкил этди.***

Самарқандлик отахонлар саёҳати «Хотира майдони»даги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишдан бошланди. Улар Ўзбекистон тарихи давлат музейини томоша қилиб, «Шаҳидлар ҳиёбони»да қатағон қурбонлари хотирасини ёдга олди.

- Тошкент саёҳатига келган икки юз нафар қариянинг аксарияти иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган,- деди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг раиси Ҳасан Нормуродов ЎзА мухбири билан суҳбатда. - Оталаримиз - бизнинг фахримиз. Халқимиз кексаларни доимо эъзозлаб, ардоқлаб келади. Ушбу сафаримиз ҳам ўша эътиборнинг бир намунасидир. Бугунги кунда вилоятимизда тўрт мингдан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда.



**Фарғона полимер маҳсулотлари илмий-тадқиқот институтида фуран бирикмалари полимерлари химияси ва технологияси, табиатни муҳофаза қилиш, полимерларнинг физикавий ва химиявий хоссаларини ўрганиш, сертификациялаш, тажриба ишлаб чиқариш базаси ва композицион материаллар технологияси лабораториялари орқали корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати текширилади.**

**Айни пайтда "Кварц", "Қувасойчинниси", "Қувасойцемент" ҳиссадорлик жамиятлари ва водийдаги барча корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати институт жамоаси назоратида.**

**СУРАТДА: катта илмий ходим Сайдулло Вайдуллаев (чапдан) ва муҳандис Маҳмуд Вайдуллаев иш пайтида.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# СУВ БОШИДАН ЛОЙҚАЛАНГАЧ...

(Боши 1-бетда)

Ана шу мақсадни кўзлаб меҳнат қилаётган мазкур жамоа ихтиёрига 1473 гектар сунъий ва бир қанча табиий сув ҳавзалари берилган. Хўш, бу борада қандай натижаларга эришилди? Кўзланган натижаларга тезроқ эришиш учун бундан буён яна нималарга эътибор қаратиш керак? Акциядорлар бу галги йиғилишда ана шу масалаларга аниқлик киритишга ҳаракат қилдилар. Жамият бошқарувининг бир йиллик фаолияти ҳақида бош балиқшунос, вақтинча раислик вазифасини бажариб келган Давлатназар Қаландаров ҳисобот берди.

- "Ўзбалиқ" акциядорлик компаниясининг кўрсатмасига асосан биз 2002 йилда минг тонна балиқ овлашимиз, бунинг учун эса товар балиқ етиштириш бўйича биологик меъёрлар асосида 1400 тонна балиқ ўстиришимиз белгиланган эди. Аммо ҳавзаларимизга 5 миллион 90 минг дона карп ва ўсимликхўр балиқлар ўрнига жами 2 миллион 158 минг 300 дона бир йиллик балиқлар ўтказилди.

Бу олдиндан ўтказилиши керак бўлган балиқнинг 42,4 фоизини ташкил қилади. Мазкур сув ҳавзаларига ўтказилган балиқлар тўла рацион асосида озиқлантирилса, 900 тонна маҳсулот етиштириш имкони бўлар эди. Биз шунга кўра 2002 йил 30 апрел куни "Ўзбалиқ" акционерлик компаниясига мурожаат қилиб, режани 900 тонна қилиб белгилашни сўрадик. Улар эса балиқларни қўшимча озиқлантириш ҳисобига мўлжалдаги маҳсулотни етиштириш мумкинлигини айтиб, режани ўзгаришсиз қолдирдилар. Натижада 700 тонна балиқ топширилди, режа 70 фоизлигича қолиб кетди.

Бош балиқшунос режалар аро йўлда қолиб кетганлигини 2001 йилда воҳада рўй берган сув танқислиги ва бошқа сабаблар билан изоҳлайди.

-2002 йилда ўстириш режалаштирилган балиқлар аслида 2001 йилнинг парвариш давридаёқ етиштирилган бўлиши керак эди, - дейди ҳисоботни давом эттира туриб Д.Қаландаров. – Аммо 2001 йилги мавсум давомида 69 миллион куб метр ўрнига 11,2 миллион куб метр сув олингани, берилган озуқанинг сифатсизлиги, қиш ойларида ҳавонинг илиқ келгани натижасида ҳавзалардаги чавоқ балиқлар етарли даражада қишловдан чиқа олмади.

Балиқнинг ҳаёти ва ривожи сувнинг мўллигига боғлиқлигини ҳеч ким инкор қилмайди. Аммо 2001 йилда майда балиқлар учун берилиши керак бўлган 602,7 тонна ўрнига 172,5 тонна омухта ем, 81,7 тонна ўрнига 21,9 тонна минерал ўғитлар сарфланганига ким айбдор эканлиги номаълумлигича қолди. Режадаги минг тонна балиқ етиштириш учун 1178,1 тонна омухта ем ва 765,8 тонна минерал ўғит керак. Амалда эса балиқларга режалаштирилган омухта емнинг 55 фоизи, минерал ўғитнинг 77,2 фоизи сарфланган. Булар бари қоғоздаги гаплармиёки ҳақиқатда жониворлар тегишли насибасини еганми, бу борада ҳам бир нима дейиш қийин. Бироқ ҳисоботда шу нарса таъкидландики, "Ўзбалиқ" акциядорлик компанияси томонидан фонд бўйича ажратилган омухта ем, минерал ўғит, бензин, дизел ёнилғисининг ҳеч бири кўрсатилган миқдорда олинмаган.

-Охирги йилларда балиқчиликнинг пойдевори ҳисобланган чавоқ балиқлар етиштириш муаммога айланмоқда. Уларнинг қишловдан чиқиш кўрсаткичлари 85 ўрнига зўрға 25-40 фоизни ташкил қиляпти. Бунинг сабаби митти балиқчалар қишловга тўйинмаган, нимжон ҳолатда кираётир. Натижада уларнинг кўпчилиги қирилиб кетади. Озуқа сифати бир муаммо бўлса, унинг нархи масаласи яна бир бошоғриқ. Ҳисобимизда маблағ бўлмаганлиги учун унинг сифатини ҳам талаб қила олмаймиз. Ем сифатини яхшилаш учун хўжаликда буғдой, маккажўхори, соя каби экинлар етиштириб, уни ўзимизда тайёрлашимиз керак.

Хўжаликда балиқ етиштириш ва сотиш йилдан-йилга камайиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Бултур 2001 йилдагига қараганда, 103 тонна балиқ кам овланган. Табиий кўллардан балиқ овлаш эса 60 ўрнига 48 тоннани ташкил этган.

Бу масалада йиғилишда иштирок этган Янгиариқ тумани ҳокими Отабек Бекжонов қизиқ бир гапни айтди:

- Хуфёна балиқчилар сизга қарашли бўлган табиий кўллардан бир кунда 60 тонна балиқ овлашади.

Бу гапда жон бор. Хоразмнинг барча туманларида ҳам, Урганч бозорида ҳам деярли ҳар куни балиқ сотилади. Балиқфурушларнинг бир қисми тегишли ҳужжатга эга бўлмаган броконьерлардир. Майли, бу энди бошқа масала. Асосий гап имкон бўла туриб жамоанинг қийин аҳволга тушиб қолганида.

Ҳисоботдан шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқариш харажатларидан ташқари 61 миллион 406 минг 700 сўмга тўр ва қайиқ сотиб олинган, идора ва шийпонлар таъмирланган, сафар чиқимларига расмийлаштирилган ва 130 миллион сўм миқдорида товар айрибошлаш амалга оширилган.

Халқимизда: "Кўрпангга қараб оёқ узат" деган ибратли нақл бор. Юқоридаги ташкилот мутасаддилари шу нарсани унутиб қўйишган кўринади. 2002 йилнинг февралида ишлаб чиқариш зарурати учун олинган 50 миллион сўм пул ҳам мақсадсиз равишда ҳар хил ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар, фирмалар ҳисобига ўтказиб юборилгани сабабли ўз вақтида қайтарилмаган! Яна бир мисол кишини ажаблантиради. Жамият корхонасида шу йилнинг 1 январ ҳолатига 109 тонна балиқ сотилмасдан қолган. Сабаби оддий: асоссиз равишда маҳсулотга баланд нарх белгиланган. Энди-чи? Шунча сарф-харажатлардан сўнг бир килограмм балиқнинг нархи 800-850 сўмга тушиб қолди.

Бугунги кунда юртимизда "луқмаи ҳалол"га эҳтиёж катта. Анчадан бери унинг бир килосининг баҳоси минг сўмдан пастга тушмаган. Йирик сазан, судак, лаққа балиқларининг эса тирик ҳолатдаги килограмми 2-3 минг сўмгача сотилади. Бу ерда эса...

Ўз-ўзидан савол туғилади. Акциядорлар ишониб, сайлаб қўйган Кузатув кенгаши аъзолари ўтган давр мобайнида нимани кузатганлар? Бу ҳақда Кенгаш раиси Аҳмаджон Ниёзматов тўғрисини айтди-қўйди:

- Мен жамият раисининг қўл остида ишлайман. Агар унга қарши бир нима десам, шу куниёқ вазифамдан айрилишим аниқ. Шунинг учун юқоридаги қинғирликлару масъулиятсизликларни кўриб-кўрмасликка олишга мажбур бўлганман.

Ана сизга мантиқ! Масъул мутасаддиларнинг жамоа мулкига бўлган муносабати шу аҳволда бўлгач, жамиятнинг оддий акциядорлари онгидаги эгалик туйғуси ва тушунчалари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. 2002 йил бўйича жамоада 202 нафар киши меҳнат қилган бўлиб, уларнинг ўртача иш ҳақи 9400 сўмдан тўғри келган. Шу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра корхонанинг иш ҳақи бўйича қарзи 1695,3 минг сўмни ташкил қилган. Умуман, жамоа йилни 28529 минг сўм фойда билан якунланганига қарамасдан унинг гарданида 153,054 минг сўмлик қарз турибди.

Маълумки, 1999 йил 13 майда Вазирлар Маҳкамасининг "1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришни жадаллаштириш Дастури тўғрисида" қабул қилган қарори бўйича бажариладиган ишлар сирасига мазкур жамоанинг ҳам номи киритилган эди. Хусусан, бу ерда Россиянинг "Асконд" фирмаси ёрдамида балиқ консерваси ишлаб чиқарадиган завод қуриш режалаштирилганди. 2000 йил июлида фирма раҳбари академик А.Пухов жамоада бўлган, бу борада тегишли шартномалар ҳам имзоланган. Ҳатто лойиҳа ҳужжатлари ҳам тайёрланиб, тегишли ташкилотларга топширилган. Мана уч йилдирки, завод тугул, унинг қурилиши тўғрисида ҳам ҳеч қандай хабар йўқ. Афтидан, воҳа аҳли мамнуният билан қарши олган, вилоятга нисбатан катта ғамхўрлик, деб баҳоланган мазкур Қарор ижроси ҳам кўпчиликнинг ёдидан кўтарилган кўринади.

Ўша кунги йиғилишда "Хоразмбалиқмаҳсулотлари" акциядорларининг янги раҳбари ва Кузатув кенгашининг янгича таркиби сайланди. Бироқ бу борадаги камчилик ва муаммолар шу билангина ўз ечимини топармикан? Ҳамма гап ана шунда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ФЕРМЕРЛИК: БАРАКА - МЕҲНАТДА

(Боши 1-бетда)

Ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир бўлди, эртаю-кеч тер тўкиб топгани битта қозонга тўкилди. Деҳқонга ҳеч нарса тегмади. Бекорга тер тўккани қолди. Чўнтагига бир тийин ҳам унмади, рўзғорига барака инмади. У олтин даласини суймади, тупроқларини кўзига суртмади, кўнгли қолди. Жони ачиб, дилпора бўлиб, қўл учида меҳнат қилди.

Ниҳоят ёруғ кунлар келди.

- Энг зўр, энг бой фермерингиз ким - сўрайман Усмон Юсупов туманидаги Рўзмет Ғойипов номидаги фермерлар уюшмасининг раиси Баҳодир Иброҳимовдан.

- Бойлари, зўрлари кўп-да, қайси бирини айтай

- Машинаси борини айтинг, - дея ҳазиллашаман.

- Деярли ҳаммасининг машинаси бор.

Дарвоқе, хўжалик узлуксиз равишда режани бажармай келаётганлиги туфайли тугатилиб, 2001 йили фермерлар уюшмасига айлантирилган эди. Фермерлар бир мавсумдаёқ йилни фойда билан якунлади.

- Фермер бўламан деган кўп. Биз ишлайман, деганга ер бердик, - дейди уюшма раиси. - Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Энг паст рентабелли ерлардан ҳам юқори ҳосил олинди. Фермерларимиз жон койитиб ишлашяпти. Муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилишяпти. Мулкдорлик туйғуси одамни ўзгартириб юборар экан. Фермер деганни уйидан тополмайсиз. Югур-югурдан бўшамайди.

- Узоқ йиллар бригад бўлиб ишлаганман. Аммо бирим икки бўлганини эслолмайман, - дейди «Иноят бобо» фермер хўжалигининг бошлиғи Итолмас Эшонқулов. - Ҳозир кечаю кундуз шу ер ташвиши билан юрамиз, қанча яхши ҳосил олсак, шунча фойда кўришимизни биламиз.

1997 йилда фермер хўжалигини ташкил этгандим. Мана ҳозир ҳайдов тракторим, «МТЗ-80» русумли чопиқ тракторим, сеялкам бор. Бировдан бир нарса сўрамайман. Ҳисоб рақамимда уч миллиондан ошиқ пулим бор. Енгил машина олдим. Янги уй қураяпман. Буларнинг ҳаммаси ана шу фермерликнинг орқасидан.

Мақтаниш эмасу, шу йил 30 гектар ғалла майдонимнинг 15 гектарини ўрар-ўрмас режани бажариб, ортиқчаси билан давлатга дон топширдим. 100 тоннадан ошиқ ғалла ўзимга қолди.

Шу ўринда фермерликдаги баъзи бир номукаммалликларни айтиб ўтмасам, дилим куяди. Фермер билан шартнома тузилаётганда ернинг ҳолати ҳисобга олинмаётгани чатоқ бўляпти. Ҳосилдорлиги юқори бўлган ер учун ҳам, паст бўлган ер учун ҳам талаб бир хил. Ахир ернинг имкониятига қараб ҳосил олинадими? Яна бир гап. Кимёвий ўғит беришда ҳам бир хил норма қўлланилаяпти. Ахир баъзи бир кучи кам ерларга кўпроқ озуқа бериш керак-да.

- Энди, қизим, илгариям жонини жабборга бериб ишлаганлар кам эмас эди, - дейди Касби туманидаги Илёс Турдиев номли фермер хўжалиги бошлиғи Нурилла ота Илёсов. - Ана гулистонлик Қултой бобо эллик йилдан ошиқ дала кезди. Саратоннинг саробию, қаҳратоннинг аёзида кесакка тўқишиб, роса ишлади. Ҳар гектардан 50-60 центнердан пахта, дон олди. Аммо дастурхони обод бўлганини билмайман. Дала кезиб сочи оқардию, лекин кўрпасининг жилдини янгилай олмади. Қултой бобога ўхшаган қўш орденли деҳқонларимиз каммиди. Бугун-чи? Энди ҳақиқатнинг юзига тик қараб гапирадиган давр келди. Ишлаган киши отининг сувлиғини тиллодан қилиши ҳеч гап эмас. Ҳозир фалончи фермернинг бешта техникаси бор деса, биров ажабланмайди. «Хирмон хўжамники» бўлган замонлар ўтиб кетди.

Бугун менинг ҳам қаддим тик. Оддий кетмончи эдим, мулкдор бўлдим. Қўлимни ушлайдиган, йўлимни тўсадиган, ишимга халақит берадиган йўқ. Нега деганда бизга ўхшаган деҳқонларни Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзи ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Насиб бўлса, фермер хўжалигимни янада кенгайтирмоқчиман. Цех очиш ниятим ҳам йўқ эмас...

Нурилла отанинг элга кўп фойдаси тегаяпти. Қишлоқнинг тўй-маъракалари Нурилла отасиз ўтмайди. Сал етишмайдиган жойи бўлса, оқсоқолнинг ўзи тўлдириб юборади. Олган ҳосилидан етим-есирларга, қаровчиси йўқларга, қарияларга, кам таъминланган оилаларга илинади.

- ФЕРМЕРЛИК... Бу сўз кўпларга хум тўла тилла дегандек эшитилади, - дейди Нишон туманидаги «Камолот» фермер хўжалигининг раиси Шохли Мирзаев. - Аслидачи, фермерлик - илк кўкламда қаттиқ ердан қаталаб чиққан ниҳолга қиёс. Ер олиб фермер бўлсанг, барчаси ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Ер билан ҳам унинг ўзидай қаттиқ, бағридай вазмин, ҳароратидай саховатли одамларгина тиллаша олади. Деҳқон кетмони қуёшда ялтилламас экан, пешонасидан реза-реза тер томмас экан, замин ҳам ўзининг очилдастурхонини ҳадя этмайди. Шу боис сув бўйида олтин балиқ тутаман, деб ўтириш эмас, балки ердан ризқ ундираман, деб ҳалол меҳнат қилиш керак.

Фермерликнинг яхши томони - мустақил иш юритасиз. Биров келиб хўжайинлик қилолмайди. Ишлаб топган даромадимизни имкониятимизга, эҳтиёжимизга қараб сарфлаймиз. Манфаатдорлик бор.

- ФЕРМЕРЛИКНИНГ шарофатини кўриб кўплар ғимирлаб қолди, -дейди Қамаши туманидаги «Қудрат» фермер хўжалиги бошлиғи Қудрат ҳожи Хушвақтов. - Энди турли касб эгалари ўз ҳунарларини ташлаб, деҳқон бўлишга интилмоқда. Нима бўлганда ҳам, бедовга яраша чавандоз бўлиш керак.

Бундан ташқари, бирор-бир сармояси бўлмаган одам таваккал қилиб иш бошламагани маъқул. Фермерлик ўз-ўзидан бўлмайди. Техникаси, маблағи бўлмаса, хўжаликни ривожлантириш қийин. Тўғри, ҳозир ернинг тилини тушунадиган, билагида кучи тошган, ишлайман деган деҳқон кўп. Аммо сармоясиз қийин. Энди иш бошлаган фермерга дастлабки сармоя бериш ҳақида ҳукуматимизнинг ҳужжати бор. Аммо бу осонлик билан ҳал бўладиган иш эмас. Банк муаммоси, расмиятчиликлар, сарсонгарчилик деҳқонни ҳолдан тойдиради. Банк, бизнес-фонд, фермерлар уюшмаси ўртасида қалин ҳамкорлик йўқдай-да, чамамда.

Яқинда Президентимиз «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» Фармон чиқардилар. Айни кўнглимиздаги гап бўлди - бу. Айтсам ишонаверинг, баъзи жойларда ҳалиям буйруқбозлар кўп. Шундайларни кўрсам, «Э шоввоз, ке, деҳқоннинг ўзига қўйиб бер. Бир нарсани билгандирки, фермерликнинг масъулиятини бўйнига олибди. Ишламаса, ишончингни оқламаса, кейин гапир!» дегим келади.

ФЕРМЕРЛИК мустақиллик дарахтининг илк, ҳали одамларимиз татиб кўрмаган ширин меваси. Бу ҳаракат янгиланаётган жамиятимиз иқтисодиётининг устувор бир йўналиши бўлиб қолгандагина, биз одамларга орзу қилаётганимиз - фаровон ҳаётни тортиқ қилишимиз мумкинлигини Юртбошимиз бот-бот таъкидлар экан, кимлардир бу сўзни қандайдир ҳадик ва хавотир, ажабланиш ва ҳайронлик билан қаршилаганлиги рост.

Аммо Президентимиз: «Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, - деб таъкидлаган эди, - жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу муаммо, бу масаланинг қишлоқ хўжалик соҳасида ечилиши, яъни деҳқоннинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик ҳиссиётини қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этади».

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари нақадар ҳаётий эканлигини мамлакатимизда тобора кенг қулоч ёзаётган фермерлик ҳаракати исботлаб турибди.

**Санобар БОЙМУРОДОВА (ЎзА)**

# МУЛКДОР КЎПАЙСА, ЮРТ ТЎКИН БЎЛУР

(Боши 1-бетда)



-Ниятлар қандай?

-Агар режаларимиз тўла амалга ошса, икки-уч йил ичида турли техникалар, замонавий ускуналар сотиб оламиз, ҳисобимизда ҳам миллионлар бўлади.

-Демак, мулкдор бўлиш ниятингиз бор?

-Албатта. Кам таъминланган оилаларга ёрдам беришни дилга тугиб қўйганман.

-Чорвачиликни ривожлантириш учун "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Навоий минтақавий филиали менга қисқа вақтга 3 миллион 500 минг сўм кредит ажратди, - дейди Хатирчи туманидаги "Аҳий" деҳқон хўжалиги раҳбари Мамаражаб Мелиев. – Банкдагилар чорва молларини сотиб олишим учун маблағ билан таъминлаб, суянчиқ бўлишди. Ҳамкор сифатида шу банкни танлаб сираям адашмаган эканман.

-Сезишимча, сиз чорва туёқ сонини оширишга астойдил бел боғлаган кўринасиз?

-Халқимизда "деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда", деган нақл бор. Демоқчиманки, сигирга суви, емини бир сафар вақтида бермадингми, шу куни сут эллик фоизга камаяди. Унинг маҳсулдорлигини ўз ўрнига қайтаргунча бир ҳафта давомида озиқ-овқатни бир ярим баробар оширишга тўғри келади. Бунинг учун биринчи навбатда ем-хашакни ўзимиз етиштиришимизга тўғри келади. Шу боис бу мавсумда ер олиб, кўпроқ ерга моллар учун озуқа экиш ниятимиз бор.

"Биз – тадбиркорларнинг энг зўр ҳамкоримиз ҳам, молиявий суянчиғимиз ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк" экан, дея ҳамроҳларининг фикрларига қўшилишди бир гуруҳ мижозлар. Чиндан ҳам ушбу банк билан ҳамкорлик қилувчи мижозлар сони кундан кунга ошиб бораяпти. Негаки, унинг жамғармасида ҳар қандай йирик молиявий операцияларни ўтказиш учун етарли маблағ бор. Шу сабабдан кўпчилик мижозлар ўз ҳисоб рақамларини бошқа банклардан мазкур молия муассасасига кўчириб ўтказишга иштиёқманд. Бу ҳолни банкнинг халқнинг ишончига кириб бораётганлиги билан изоҳласак, тўғрироқ бўларди.

-Мамлакатимизда ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда тижорат банкларига муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилган, - дейди "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Навоий минтақавий филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Чинпўлат Муҳаммедов. – Ўзбекистон иқтисодиётини илғор, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда банк тизимининг аҳамияти, мавқеи беқиёс бўлмоқда, десак асло адашмаймиз. Марказий банк ва тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилди, янги ишчи ўринлари яратилди.

Сўз юритилаётган банк жамоаси сифатли ҳамда тез кўрсатиладиган турли хилдаги хизматлари билан мижозлар ишончини қозонган. Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлайди. Хусусан, 2002 йил давомида кредит сўраб мурожаат қилган икки юздан зиёд корхона, ташкилот, кичик ва ўрта бизнес субъектларига 9819,6 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Шундан ўз айланма маблағларини тўлдириш ва бошқа йўналишларга 8327,7 миллион, ўрта ва кичик бизнес субъектларига 1094,6 миллион, алоқа ва коммунал хизматларга 79,2 миллион, истеъмол кредити учун эса 45,2 миллион сўм ажратилди.

Банкда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда банк беш юздан зиёд мижозга эга. 2002 йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар 672 миллион 600 минг сўмни ташкил этган. 20 миллион 700 минг сўм "Бизнес-фонд", 41 миллион 300 минг сўм эса Бандлик жамғармаси орқали берилган. Микрокредитлар миқдори эса 285,8 миллион сўмни ташкил этди. Берилган ушбу кредит маблағлари эвазига ўтган йили 1070 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, 2003 йилнинг биринчи квартали давомида ҳаммаси бўлиб 161 миллион сўм кредит ажратилди. Шундан 31 миллион сўм микрокредит, саноатга 122,5 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 8,5 миллион сўм, савдо ҳамда воситачиликка 30 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шуниси эътиборга моликки, молия муассасаси томонидан жорий этилган мониторинг таҳлилларига кўра, берилган микрокредитлар самарадорлиги ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тадбиркорга қулай эканлиги эътироф этилаётган, қайтариш муддати 3 йилдан 5 йилгача бўлган имтиёзли кредитлар ўзини оқламоқда. Шу сабабдан банкда шу кредитни олиш истагида бўлган кўплаб тадбиркорлар, фермерларнинг кети узилмаяпти. Банк фаолиятида бу ҳолат қувонарлидир, албатта.

Банкда қулай муҳит яратилганлиги сабабли ҳам жамоа аҳил, ҳамжиҳат. Бу ерда "Тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилган бўлиб, кредит бериш тўғрисидаги ҳужжатларнинг намуналари, ишбилармонларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан танишиш ҳамда маслаҳатлар олиш мумкин. Шунингдек, мазкур молия муассасасида ҳуқуқшунос ва мутахассислар кун давомида мижозларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Банк кадрлар тайёрлаш ишига ҳам ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан талабаларга 8,5 миллион сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди. Шу билан биргаликда аҳоли қўлидаги бўш маблағларни омонатларга жалб қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб турдаги мақсадли омонатларга аҳоли ўртасида қизиқиш катта бўлмоқда.

Банкда бой тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан бир қаторда иқтидорли ёшлар ҳам меҳнат қилишаётир. Ходимларнинг асосий қисми олий маълумотга эга.

-Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани, тадбиркорлар, ишбилармонларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши сабабли мустақил фаолият кўрсатувчи жамоалар сони кун сайин кўпайиб бормоқда, - дейди суҳбатдошимиз Чинпўлат Муҳаммедов. – Бу қувончли ҳол, албатта. Биз бундан кейин ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар бериб, уларнинг оёққа туриб олишларига кўмаклашамиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ХАРИДОРНИНГ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ

**ХИЗМАТ**

***Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш, истеъмолчилар эҳтиёжларини таъминлаш матлубот жамиятларининг асосий вазифасидир.***

Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига савдо хизмати кўрсатишда ҳам турли мулк шаклларининг пайдо бўлиши бу соҳада кучли рақобатни юзага келтирган.

Ҳар қандай савдо ташкилоти у хусусийми ёки ҳиссадорлик жамиятими, озгина ишни сусайтирса, мижозлар кўнглини тополмаса, рақобатбардошлигини йўқотади.

Бугунги кунда савдо соҳасида харидорларнинг танлаш имконияти катта. Чунки ҳозир нима кўп дўкон кўп, бозор кўп. Буни яхши билган Қорақалпоғистон Республикасидаги "Қонликўлматлубот" ҳиссадорлик жамияти аъзолари тадбиркорлик ва ҳозирги шароит талабидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқдалар. Улар аввалambor харидорларга намунали ва сифатли хизматни ташкиллаштириш учун ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконларни аҳоли учун зарур бўлган сифатли, арзон маҳсулотлар билан тўлдирмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарорига асосан барча дўконларда саккиз хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган даврида 31 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиниб, дўкон пештахталари тўлдирилди. Умумий мол айланиши 167 миллион, чакана савдо эса 162 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди.

-Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда нафақат маҳсулотни сотишга, балки савдо дўконларининг замонавий талабларга жавоб беришига, озода ва шинамлигига ҳам алоҳида аҳамият бераяпмиз, - дейди Қонликўл "Матлубот" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Турсунбой Жумабоев. – Шу мақсадда бир нечта янги савдо дўконлари қурилди, мавжудлари эса пишиқ-пухта қилиб таъмирланди. Яна яқин кунларда энг яхши асбоб-ускуналар билан жиҳозланган савдо дўконлари очишни режалаштирмоқдамиз.



Жамиятнинг тадбиркор ишбилармонлари аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар билан дўконларини тўлдириш учун мамлакатимиздаги кўпгина корхоналар билан шартнома тузган. Масалан, Зарафшон шаҳридаги "Лаззат" корхонаси, Самарқанддаги чой қадоқлаш фабрикаси, "Хива гилами" очиқ акциядорлик жамияти, "Бухоротест", Қува кондитер корхоналари шулар жумласидандир.

Келажакда ҳиссадорлик жамияти бир нечта "Мини-маркет" савдо марказларини очиб, ўз фаолиятини янада кенгайтиришни кўзламоқда.

**Д.МЕДЕТОВА**





Наманган вилояти Поп туманидаги "Равон йўл" жамияти йўлсозлари транспорт воситалари йўловчиларнинг ҳаракатланишини яхшилашга хизмат қилувчи равон йўллар қуришни ўзларига асосий мақсад қилиб олишган.

Улар ўтган саккиз ой давомида "Пунгон-Наманган" автотрассасидаги олти чақирим масофадаги йўлни жаҳон андозаларига мослаб, қайта таъмирлаб, ушбу йўлни биринчи тоифали йўлга айлантирдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. "Равон йўл" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Эркинжон Аҳмаджонов ва уста Ғофур Султоновлар янги йўлни кўздан кечиришмоқда. 2. Йўлларда иш қизғин.

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# ИШОНЧ ОРТДИ

**Д А В Р**

***Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини ўқиган пайариқлик фермерлар астойдил меҳнат қилишмоқда. Негаки, энди фермерларга ер 50 йилгача ижарага берилади.***

Бу айнан деҳқонни ўйлаб қилинган иш. Ер берилганда ҳам, албатта, ишнинг кўзини биладиган деҳқонга берилади. Ери кўп фермернинг ёлланма ишчилари ҳам кўп бўлади. Демак, ишсизлик ҳам қисқаради. Уруғ таланмайди, ўғит сотиб юборилмайди. Чунки, дилдан меҳнат қилинади. Чунки одамда "ер меники" деган ҳис бўлади-да. Шунинг учун ҳам ўзиникига ўзи ҳиёнат қилмайди. Ана шунда режа ҳам ҳалол бажарилади, даромад ҳам бўлади. Техника олинади, аъзоларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам кафолатланади.

Тадбир билан қилинган меҳнат албатта самара беради. Пайариқ туманидаги Охунбобоев номли деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳам ширкат усулида фаолият кўрсатган кезлари қарз ботқоғига ботиб кетган эди. Хўжалик фермерлар уюшмасига айлантирилди-ю, одамларда меҳнатга муносабат ўзгарди.

Уюшма хўжаликдаги мавжуд техникаларни етмиш тўққизта фермерга бўлиб берди. Фермерлар ўзларига берилган ана шу техникалардан имкон қадар фойдаланиб туришибди. Таъмирга муҳтож техникани фермернинг ўзи созлайди. Бундан уюшма ҳам, фермер ҳам манфаатдор. Асосийси, фермер техникадан истаганча фойдаланади.

-Ширкатда ишлаб фойда кўрмадим, - дейди "Аброр" фермер хўжалиги раиси Сафар Бўтаев. – Бугун эса қўш тракторим, банкда 2 миллион сўм пулим бор. Туманимиз бу йил тўлалигича фермерликка ўтяпти. Бу эса туманда ишсизлик камайиб, мулкдорлар кўпаяди, деганидир.

Бугун пайариқлик фермерлар ана шу ниятлар билан меҳнат қилишмоқда. Асосийси, уларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч бор.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**ЎзМУ талабаси.**

**ИНТИЛИШ**

# ИШЛАГАН НОЛИМАЙДИ

***Олтинсойлик Абдурасул бува Шоймардонов билан тасодифан пойтахтда танишиб қолдим. Сурхондарёликларга хос норғул гавдали отахоннинг ёши 70 га бораяпти-ю, бардам, қадам олиши, ўзини тутиши йигитлардек.***

Бу одам давраларда кураш тушиб ўтган полвонлардан, касби эса боғбонлик ёки чўпонлик бўлса керак, деб ўйлагандим. Отахон билан суҳбатлашсам, у қирқ йил хўжаликда ҳисобчилик қилган экан.

-Замон оғир эди, айниқса бухгалтер учун. Маош кам, аммо ҳамма пул қўлингдан ўтади. "Колхоз"нинг келди-кетдиси ҳисобчининг бўйнида. Юқоридан дўқ-пўписа кўп бўлар, доим босим остида ишлардик, - дейди отахон. – Биласизми, гоҳида борни йўқ, йўқни бор қилиб ёзишга мажбур бўлганмиз. Ҳар хил раҳбарлар билан ишладим. Уларнинг орасида фидойи, ҳалол кишилар қатори шахсий манфаатига муккасидан кетганлар ҳам бор эди. Бунақа одамлар мол-дунё йиғаман, деб орқа ўнгига қарамай югураверади. Оқибат 50-60 ёшга бормай, инсультми, "давления"ми бирор касалликни орттириб олади-ю, сўнг кўрган куни ўзига татимайди. Худога шукр, ёруғ юз билан 1997 йилда нафақага чиқдим. 10 нафар фарзандим, 15 нафар неварам бор. Турмушимдан нолимайман. Асосан боғдорчиликка ихтисослашган хўжалигимиздан ижарага олган 2 гектар ерда узум, 5 гектарда ғалла етиштирамиз. Ўтган йили 150 центнер узум топширдик. Ғалламиз ҳам ёмон бўлмади. Бу йил янада мўлроқ ҳосил олиш учун оила аъзоларимиз билан астойдил меҳнат қиляпмиз... Деҳқон меҳнати қадрланадиган замонлар келди, бошим осмонда. Олма пиш оғзимга туш, деб ётган одамни Аллоҳ ҳам суймайдида...

Ҳа, Абдурасул бува ҳақ гапларни айтди. Юз-кўзидан шукроналик балқиб турган отахоннинг фикрлари ўринли эди. Иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви нафақат раҳбарларнинг, балки қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Деҳқону боғбон, соҳибкору чорвадор Президентимизнинг 24 мартдаги Фармонларига кўра ўзига берилаётган кенг эркинлик ва масъулиятни англасагина ислоҳотлар самараси тезроқ кўзга ташланарди.

**Боймирза НОРБЕКОВ**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ИРОҚ БЎЙИЧА ЯНГИ РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

***АҚШ президенти Жорж Буш 61 ёшли Пол Бремерни Ироқдаги фуқаролик маъмурияти раҳбари этиб тайинлади.***



Журналистлар билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Буш жаноблари Бремернинг катта тажрибага эгалиги ва унга тўла ишонишини маълум қилди. Эндиликда Ироқнинг демократик тузумга ўтишида бошчилик қиладиган Бремерга айни пайтда бу мамлакатдаги тикланиш жараёнларига бошчилик қилаётган истеъфодаги генерал Жей Гарнер ҳам бўйсунади. 23 йил давлат департаментида ишлаган, 6 нафар давлат котибига бошчилик қилган, шунингдек, департаментнинг терроризмга қарши кураш бўлимига раҳбарлик қилган Пол Бремерни Бушнинг Ироқдаги махсус вакили этиб тайинланиши, ҳозирги давлат котиби Колин Пауэлл учун ҳам катта ютуқ саналмоқда.

## ПОКИСТОН ҲИНДИСТОНДА ЭЛЧИХОНА ОЧАДИ

***Покистон бош вазири Зафарулло Жамоли яқин вақт ичида Ҳиндистон билан ҳаво, темир йўл, автобус қатновлари тикланишини маълум қилди.***



Шунингдек, Исломобод – Деҳли ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳам ҳар томонлама ривожлантирилади ва Покистоннинг Ҳиндистондаги элчиси тайинланади. Покистоннинг сув ҳудудида ҳибсга олинган 40 нафарга яқин ҳинд балиқчиларининг озод этилишларини айтаркан, Зафар Жамоли икки давлат ўртасидаги ядро қуроллари бўйича музокаралар ҳам қайта тикланишини урғулади. Чунки, бу ҳол минтақа барқарорлигига ҳам таъсир этади. Яқин вақт ичида эса Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаининг Исломободга келиши кутилмоқда.

## SARSНИНГ НАВБАТДАГИ ҚУРБОНЛАРИ

***Номаълум касаллик SARS туфайли Хитойда яна 8 киши ҳаётдан кўз юмди ва умумий қурбонлар сони 214 нафарга етди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.***




Мамлакат шимолида жойлашган Нанкин шаҳрининг ўзида 10 минг киши карантин ҳолатида ушлаб турилган бўлса, Пекинда бундай ҳолатда 16 минг киши сақланмоқда. Бугун мамлакат пойтахтида нафақат мактаблар, балки кинотеатр, спорт заллари, сузиш ҳавзалари, ресторанлар ҳам ёпиб қўйилган. Кўплаб давлатлар ўз фуқароларини Хитойга боришдан сақланишга чақириб, бу давлатга учадиган самолётлар сонини ҳам қисқартирганлар. Хитой иқтисодчиларининг фикрича, SARS мамлакат иқтисодига жиддий зарар етказиши мумкин.

## АСНАР: ЯГОНА РЎЙХАТ ТУЗИШ ЛОЗИМ

***Уч кунлик ташриф билан Қўшма Штатларга келган Испания бош вазири Хосе Мариа Аснар террорчилар бўйича БМТ доирасида ягона рўйхат тузиш таклифини илгари сурган.***



Унинг фикрича, ҳозирда БМТ, Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа давлатлар томонидан тузилган террорчи ташкилотлар рўйхатини бирлаштириш лозим ва бу омил терроризмга қарши курашда янада ижобий натижалар беради. Агар бутун дунё бўйича ягона рўйхат тузилса, террорчини ҳар қандай давлатда ҳам таъқиб этиш имкони туғилади. Бугун дунё халқларига жиддий хавф солаётган халқаро терроризмга қарши курашиш бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгаши қошида тузилган халқаро марказга 4 апрелдан бошлаб Испания давлати раҳбарлик қилиб келмоқда.

## ЭРОН: МУФАССАЛ ТЕКШИРУВГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

***Атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилот (МАГАТЭ)нинг ёпиқ тарздаги йиғилишида Эроннинг атом энергетикаси бўйича ташкилоти раҳбари Ғулом Ризо Ализода мамлакатдаги ядровий объектларнинг бирма-бир, синчиклаб текширилишига рухсат берилмаслигини билдирди.***



Унинг таъкидлашича, расмий Теҳрон ядро энергетикасидан тинчлик мақсадида, хусусан, мамлакатни электр қуввати билан таъминлашда фойдаланади ва ундан ядро қуроли ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Аммо, АҚШ давлат департаменти вакили Ричард Баучернинг фикрича, МАГАТЭ тўплаган маълумотларга қараганда, Эронда ядро қуролига эга бўлиш ҳаракатлари кузатилган. Шунингдек, бу борада уларга Россиянинг айрим компаниялари ҳам ёрдам берган.

## ТИНЧЛИКПАРВАР КУЧЛАРГА КАНАДА БОШЧИЛИК ҚИЛАДИ

***"Газета.ru"нинг хабар беришича, Монреал шаҳрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида НАТО бош котиби Жорж Робертсон келгуси ярим йил мобайнида Афғонистондаги тинчликпарвар кучларга канадалик ҳарбийлар бошчилик қилишини маълум қилди.***



Ўз навбатида, Канада ҳукумати август ойида ўзининг тинчликпарвар кучларидан иборат ҳарбий контингентини Афғонистонга юборилишини билдирди. Антитеррор кампаниядан сўнг Афғонистондаги хавфсизликни НАТО ташкилотининг тинчликпарвар кучлари ўз назоратига олган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо департаменти Чилонзор туман бошқармаси томонидан 2000 йил 17 апрелда 807-рўйхат рақами билан "МАТМ-ТС" масъулияти чекланган жамиятига берилган, серияси СИ 09919 бўлган савдо билан шуғулланиш гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2001 йилда хусусий тадбиркор Сражидинов Тахир Нўмонджанович номига берилган 1106137-рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер 01-01/8383 от 24.02.93 г. на права собственности Тимохина Анатолия Николаевича на квартиру, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер 10-01/21182 на право собственности на квартиру, выданный 10.10.93 г. хокимиятом Юнусабадского района г.Ташкента Калкулова Керимбая Толысбековича, считать недействительным.

Филиал иностранного предприятия "Энергопроект-холдинг" объявляет об уменьшении размера Уставного фонда до фактически сформированного в размере 648385,40 долларов США.

Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 8.02.93 йилда Леонова Надежда Кузьминична номига берилган 03-02/3285 -рақамли квартира ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

